



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

**2019-YIL – FAOL INVESTITSİYALAR VA
IJTIMOIY RIVOJLANISH YILI**

ILM SARCHASHMALARI

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI**



2018-12

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA va FALSAFA hamda FIZIKA-MATEMATIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

12.2018

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2018

“ILM SARCHASHMALARI”
ilmiy-metodik jurnal

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY‘ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom , fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom , biologiya fanlari doktori, ABDULLAYEV Ilyos , iqtisod fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana , pedagogika fanlari doktori, professor, ALEUOV O‘serboy , pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima , falsafa fanlari doktori, professor, DADABOYEV Hamidulla , filologiya fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek , tarix fanlari doktori (bosh muharrir o‘rinbosari), DO‘SCHONOV Tangribergan , iqtisod fanlari doktori, professor, ERMATOVA Jamila , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HASANOV Oqnazar , fizika-matematika fanlari doktori, professor, HAJIYEVA Maqsuda , falsafa fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul , filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud , texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy , filologiya fanlari nomzodi, professor, MAHMUDOV Madrahim , tarix fanlari doktori, professor, NAVRUZOV Qurolboy , fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash , yuridik fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa‘dulla , falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QIDIRNIYOZOV Muhammadsharif , tarix fanlari doktori, professor, QUTLIYEV Uchqun , fizika-matematika fanlari doktori, professor, QURAMBOYEV Karimboy , filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy , filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy , pedagogika fanlari doktori, professor, RO‘ZMETOV Baxtiyor , iqtisod fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SAGDULLAYEV Anatoliy , tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San‘atbek , iqtisod fanlari doktori, professor, SATIPOV G‘oipnazar , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (mas‘ul kotib), YAXSHIMURODOV Alisher , fizika-matematika fanlari doktori, YOQUBOV Jamoliddin , filologiya fanlari doktori, professor, G‘AYIPOV Dilshod , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, SHUKURLAYEV Qodir , tibbiyot fanlari doktori, professor.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
237 12(138)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma №13-020.

Шарифа Искандарова (ФарДУ)
МАЗМУНИЙ СТРУКТУРА ВА СЎЗЛОВЧИ ШАХС МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада юқори сатҳ бирликларини мазмуний майдонларга бўлиб ўрганиш, белги билан сўзловчи шахс ўртасидаги муносабат ва унинг тадқиқи ҳақида сўз юритилади.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы изучения единиц высшего уровня путем деления их в семантические поля, отношения знака и говорящего лица и его исследования.

Annotation. The article presents the issues of studying units of high layers dividing them into semantic fields, the relationship between a sign and a speaker.

Калим сўзлар: системавийлик тамойиллари, лексик-семантик вариант, мазмуний майдон, объектив борлик, прагмалингвистика, неолингвистика, антропололингвистика, тил кодлари, оламнинг лингвистик манзараси, антропоцентрик парадигма.

Ключевые слова: принципы системности, лексико-семантический вариант, объективная сущность, прагмалингвистика, неолингвистика, антропололингвистика, языковые коды, лингвистическая картина мира, антропоцентрическая парадигма.

Key words: principles of systematicness, lexical-semantic variant, semantic field, objective world, pragmalinguistics, anthropolinguistics, language codes, linguistic picture of the world, anthropocentric paradigm.

Фан тарихидаги ҳар қандай янги йўналишлар эскиси орқали вужудга келиши ҳаммамизга маълум. Хусусан, ўтган асрда системавий тилшуносликнинг дунё бўйича кенг тарқалиши турли системага мансуб тилларнинг ички тузилишини система сифатида тадқиқ этишга эътиборни кучайтирди. Тилнинг барча сатҳлари системавийлик тамойиллари асосида ўрганила бошланди. Хусусан, ўзбек тили фонетикасидан тортиб синтаксисига қадар кўпчилик тилшунослар томонидан системавий асосда тадқиқ этилди.¹ Бу, табиий равишда, ўзбек тилшунослигида катта бурилиш бўлди.

Сўзларни туркумларга ажратиш билан мазмуний майдонларга бўлиш бутунлай бошқа-бошқа тамойиллардир. Уларни бир-биридан фарқламаслик ана шундай хулосага олиб келиши табиий ҳолдир.

Тилнинг мазмуний планга эга бўлган юқори сатҳ бирликларини мазмуний майдонларга бўлиб ўрганиш ҳозирги кунда алоҳида йўналишни ташкил этади ва у ўзининг текшириш методи ҳамда методологиясига эга. Сўзларни туркумларга ажратиш муаммоси антик даврдан буён мавжуд бўлса, семантик майдон тушунчаси нисбатан анча янгидир. У системавий (структур) тилшунослик маҳсули бўлиб, XIX аср ўрталарида лексик-семантик системани қуришга бошқача ёндашув натижасида вужудга келди. Лексик-семантик система нима, у қандай элементлардан ташкил топади, унда қандай муносабатлар етакчилик қилади, деган саволларга тилшунослар турлича жавоб берадилар ва ана шу жавобга кўра тилшуносликда турли йўналишлар шаклланган. Мазкур йўналишлар ўртасидаги энг муҳим фарқ сўзнинг мустақиллигини эътироф этиш-этмаслик билан белгиланади.

Сўзни тилнинг асосий бирлиги эканлигини эътироф этувчи тилшунослар шу сўзнинг семик таркиби, полисемия муаммоси асосида лексик-семантик системани қурадилар, натижада лексик-семантик вариантлар системаси ҳосил қилинади. Сўзнинг мустақилли-

¹ Нурмонов А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. Т., “Ўқитувчи”, 1990; Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. Филол. фанлари д-ри...дисс. автореф., Т., 1994; Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1995; Нурмонов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Т., “Фан”, 1982.

гини инкор қилувчи тилшунослар системанинг асосий “қурилиш блоки” сифатида семантик майдонларни эътироф қиладилар.¹

Кўринадики, ҳар икки йўналиш системавий (структур) тилшуносликнинг маҳсули саналади. Биринчи йўналиш структур семантиканинг ривожланиши, иккинчи йўналиш эса тил структурасини сўзловчи шахс билан боғлаб ўрганиш, лингвистик тадқиқот парадигмасига “сўзловчи шахс”ни киритиш натижасида майдонга келди.

Нутқий жараёнда сўзловчи шахсга эътиборнинг тортилиши тилшунослик тарихида катта воқеа бўлди. Чунки структур тилшуносликнинг белгининг белги билан муносабатини ўрганишга асосий эътиборни қаратганлиги натижасида белгининг объект билан, белгининг субъект билан муносабати масаласи тилни соф “шакл” сифатида талқин қилувчи структуралистлар назаридан анча четда қолган эди. Тилшуносликдаги худди шу чекланган томонни тўлдириш ҳаракати туфайли прагмалингвистика, неолингвистика, антропололингвистика номи билан юритилаётган тилшуносликнинг янги йўналишлари пайдо бўлди.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида тилшуносликда тилга белгилар системаси сифатида қараш гоёсининг кучайиши яққол сезила бошлади. Маълумки, бундай талқиннинг негизида белгининг объектив борлиқ билан муносабати, белгининг белги билан муносабати, белгининг ундан фойдаланувчилар билан муносабати ётса-да, бу даврда белги билан сўзловчи шахс ўртасидаги алоқадорлик етарлича ўрганилмаган эди.

Ҳозирги кунда қатор тилшуносларнинг диққат-эътибори белги билан сўзловчи шахс ўртасидаги муносабатга қаратилган прагматик лингвистика билан чамбарчас боғланган антропололингвистика соҳасини ўрганишга қаратилди.² Антропололингвистика ўз ичида когнитив семантика, психоллингвистика, лингвокультурология сингари қатор соҳаларни қамрайди.

Нутқий жараёнда сўзловчи шахсга эътиборнинг тортилиши тилшунослик тарихида катта воқеа бўлди. Чунки структур тилшуносликнинг белгининг белги билан муносабатини ўрганишга асосий эътиборни қаратганлиги натижасида белгининг объект билан, белгининг субъект билан муносабати масаласи тилни соф “шакл” сифатида талқин қилувчи структуралистлар назаридан анча четда қолган эди.

Тилшуносликдаги худди шу чекланган томонни тўлдириш ҳаракати туфайли прагмалингвистика, неолингвистика, антропололингвистика номи билан юритилаётган тилшуносликнинг янги йўналишлари пайдо бўлди. Жаҳон тилшунослигининг лингвопрагматика, лингвокультурология, психоллингвистика, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, дискурсив таҳлил каби йўналишларининг юзага келиши фанда инсонни яна-да чуқурроқ ўрганиш ҳамда лингвистик фаолиятни кенгрок ёритиш ҳаракатлари билан боғлиқдир.

Жаҳон тилшунослигида яқин йилларга қадар инсоннинг ўзини қуршаб турган олам узвларини билиши, унинг муҳим белгиларига таянган ҳолда ном беришига асосланган тил ва борлиқ ўртасидаги муносабат масаласи устувор бўлиб келди. Сўнгги йилларда белги билан ундан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатни ўрганиш доирасида ҳам янгидан-янги таҳлил усуллари майдонга келди. Муайян миллий-маданий омиллар, ижтимоий ҳолат, айни пайтда, инсон руҳияти билан алоқадор антропоцентриқ тилшунослик ана шундай йўналишлардан саналади. Антропоцентризм доирасида тилни шахс тасаввури, идрокки, хотираси билан узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этувчи ассоциатив тилшунослик катта аҳа-

¹ Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. М., 1976.

² Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. М., “Наука”, 1987; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах, Сангзор, 2006; Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 2-жилд, Тошкент, Академнашр, 2012; Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент, Академнашр, 2015; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Тошкент, “Фан”, 2013.

миятга эга. Ўзбек тилшунослигида мазкур муаммо бўйича эндигина намоён бўла бошлади.¹

Д.Лутфуллаеванинг “Ассоциатив тилшунослик назарияси” номли монографияси ўзбек тилшунослигида яратилган ассоциатив муносабатларга оид илк монографик асар бўлиб, унда тилга ассоциатив ёндашув масаласи, унинг шаклланиш тарихи, ассоциатив муносабат, вербал ассоциациялар, ассоциатив майдон, ассоциатив тажрибалар, шунингдек, ассоциатив лугатлар борасида изчил фикр юритилади. Муаллиф ўз олдига “тилнинг сиру синоатлари билан қизиққан китобхонларни ўзбек тилшунослигига эндигина кириб келаётган ассоциатив тилшуносликнинг таянч тушунчалари билан таништириш, ассоциатив таҳлил усулларининг тилни ўрганишдаги устуворлигини илмий асослаш, тилшуносликда ассоциатив муносабат масаласининг ўрганилиши, ўзбек тилида вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ассоциатив бирликларнинг хусусиятилари, таснифи, ассоциатив тажриба методининг моҳияти, ассоциатив лугатларнинг тузилиши ҳақида маълумот беришни мақсад қилиб” олади.

Бизга маълумки, ҳеч бир тилни “тил эгаси”дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиш мумкин эмас. Зеро, ҳар бир нутқ актида сўзловчи шахснинг изи сезилиб туради. Нуткий жараёнда коммуникантларнинг тил ҳақидаги билимлари уларнинг бир-бирларини тўғри ва аниқ тушунишлари учун ёрдам беради. Буюк немис олими В.Гумбольдтнинг “тушунишлик ва тушунмаслик” антиномияси ҳам айна шу жараёни ифодалаш учун қўлланилган эди.

Сўзлашувчиларнинг тил билими деганда, нафақат уларнинг тил кодларидан тўғри фойдаланиш кўникмаси, балки тил кодларини борлиқ билан боғлаш кўникмаси ҳам тушунилади. Иккинчи кўникма ҳозирги кунда “оламнинг лингвистик манзараси” (ОЛМ) деб номланаётган тушунча билан узвий боғлиқдир. ОЛМ гносеологиянинг таркибий бир қисми саналиб, инсон миясида олам узвларининг акс этишини намоён қилади. Бошқача айтганда, олам узвлари инсон онгида ўзаро шартланган ва боғлиқ равишда акс этади ва бу акс этган узвлар муайян бир тилнинг кодлари орқали ифодаланади.

Олам узвлари ўзаро боғлиқ равишда инсон онгида гуруҳ-гуруҳ сифатида акс этар экан, унинг кодлари ҳам ана шундай хусусият касб этади. Кодлар ўртасидаги ана шундай ассоциатив муносабат лингвистик бирликларни маълум мазмуний майдонларга бирлаштиришга асос бўлади. Масалан, инсон мазмуний майдони унинг ҳаракати, интеллектуал қобиляти, турмуш тарзи, маданияти, хулқи сингари қатор белгиларини номловчи лингвистик бирликларни ўз ичига олади. Хусусан, *эмакламоқ, куйламоқ, кулмоқ, гатирмоқ* сингари феъллар; *ақлли, доно, билагон, маданиятли, бой, камбагал* сингари сифатлар “инсон” архисемаси асосида бир мазмуний майдонни ташкил қилади. Бир мазмуний майдон таркибига кирган барча узвларда “инсон” семаси такрорланади. Мазкур такрорланувчи сема бу аъзоларнинг барчаси учун бирлаштирувчи сема – архисема вазифасини бажаради. Бир мазмуний майдон таркибидан парчаланувчи кичик майдонлар билан катта майдон ўртасида шажаравий боғлиқлик мавжуд бўлади. Ана шу боғланиш уларни бир мазмуний майдон остида бирлаштириб туради.

Қисқаси, бугунги кунда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши учун тилнинг амалий томони, яъни белги билан сўзловчи шахс ўртасидаги муносабатга йўналтирилган прагматикани чуқур ўрганиш ўзбек тилшунослигининг кейинги истиқболи учун замин тайёрлайди.

¹ Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. Тошкент, MERIYUS, 2017.

Шодия Ганиева (ФарДУ)
**ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМИЯ ВА
ГРАДУОНИМИЯ МАСАЛАСИ**

Аннотация. Мақолада синонимия, фразеологик синонимлар, уларнинг ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилиши, фразеологик синонимия ва градуонимия, фразосинонимларнинг моделларини белгилаш ҳақида сўз юритилади.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы синонимии, фразеологических синонимов, проводится исследование в узбекском языкознании фразеологической синонимии и градуонимии, определение моделей фразеосинонимов.

Annotation. The article deals with synonymy, phraseological synonyms, their investigation in the Uzbek linguistics, phraseological synonymy and graduonymy, determining models of phrasosynonyms.

Калим сўзлар: фразеологик синоним, синонимларнинг структурал хусусиятлари, фразеологик концепция, туркумлик семаси, таянч компонент, нотаянч компонент, фразеологик вариант, градуонимия, фразосинонимлар, моделлаштириш.

Ключевые слова: фразеологический синоним, структуральные особенности синонимов, фразеологическая концепция, сема, части речи, опорный компонент, неопорный компонент, фразеологический вариант, градуонимия, фразесинонимы, моделирование.

Key words: phraseological synonym, structural properties of synonyms, phraseological conception, a supporting component, non-supporting component, phraseological variant, graduonymy, phrasosynonyms, modeling.

Синонимия, дастлаб, фақат лексик сатҳ доирасида ўрганилган бўлса, кейинчалик, бошқа сатҳларга ҳам мансуб экани маълум бўлди. Натижада тилнинг турли маъноли сатҳларида, хусусан, морфемик, синтактик сатҳларида бу ходисалар алоҳида тадқиқ қилина бошланди, бундан фраземалар ҳам мустасно эмас. Фразеологик бирликлар синонимияси масаласи кўпдан буён туркийшунослар ва ўзбек тилшуносларини қизиқтириб келади. Туркийшуносликда бу муаммо, дастлаб, бошқирд тилшуноси З.Г.Ураксиннинг эътиборини тортди.¹

Ўзбек тилшунослигида эса профессор Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографиясида фразеологик синонимлар таҳлилидан кейин чиқарган қуйидаги илмий хулосаси ҳар жиҳатдан асосли: “Ҳар бир фразеологик синонимга тўғри тўлиқ характеристика бериш учун синонимия уяси ичида олиб, бошқа синонимлари билан қиёслаб ўрганиш зарур. Бунда синонимлар турли-туман нуқталарда текширилади, улар орасидаги ўхшашлик ҳам, фарқлар ҳам таъкидланади. Синонимлар орасида фарқлар қанча оз бўлса, уларни нутқда бир-бирининг ўрнида ишлатишга имконият ортади ва, аксинча бўлса, бундай имконият озаяди”.²

Ўзбек тилшунослигида фразеологик синонимларнинг ўрганилишида М.Вафоеванинг тадқиқоти алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқотчи фразеологик синонимларнинг структурал хусусиятларини ташқи структурага кўра, яъни фразема компоненти сифатида иштирок этаётган сўзларнинг туркуми ва миқдорига кўра таснифлаш мумкинлигини баён қилди ва шу белгисига кўра, фразеологик синонимларни қуйидаги гуруҳларга тасниф қилади: 1) икки компонентли ФСлар; 2) уч компонентли ФСлар; 3) тўрт ва ундан ортиқ компонентли ФСлар. М.Вафоева ФБларнинг семантик-грамматик хусусияти, категориал маъносидан келиб чиқиб, профессор Ш.Раҳматуллаевнинг фразеологик концепцияси асосида уч

¹ Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. М., “Наука”, 1975.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Тошкент, 1966, 131-бет.

гуруҳга: 1) феъл ФСлар; 2) сифат ФСлар; 3) равиш ФСларга бўлади.¹ Мазкур изланиш ФСларни ўрганишнинг кейинги босқичи учун қимматли материал бўлиб хизмат қилади.

ФСлар тадқиқининг кейинги босқичи эса уларни структур жиҳатдан моделлаштиришдир. ФСларнинг юқоридаги каби ички компонентларини сўз туркумлари бўйича типларини белгилаш уларни ана шундай типлар асосида моделлаштиришга таянч нукта бўлиб хизмат қилади.

Фразеологик синонимия масаласи ўзбек тилшунослигида профессор Ш.Раҳматуллаев, сўнгра Б.Йўлдошевлар томонидан махсус тадқиқ этилди. Хусусан, Ш.Раҳматуллаев синонимия ҳодисасини фразеологик сатҳга татбиқ этар экан, маъно оттенкаси, услубий бўёғига кўра фарқ қиладиган, аташ маъносига кўра умумий бўлган фразеологизмлар қаторини синонимик иборалар деб баҳолайди.² Масалан, *оғзи қулогига етди, боши кўкка етди, терисига сизмай кетди, қўйи мингга етди* иборалари бир синонимик уяга мансуб бўлиб, “беҳад севинмоқ” маъносини ифода этади. Лекин уларни бир-биридан дифференциал белги сифатида услубий бўёқ белгисини ажратади: биринчиси, сўзлашув нутқида, кейингиси умумий нутққа хослиги таъкидланади.

Б.Йўлдошев фразеологик синонимия масаласига маълум даражада эътибор қаратиб, фразеологик синонимлар билан вариантлар ўртасида кўпгина умумий томонлар мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам улар, кўпинча, лугатларда, дарслик ва қўлланмаларда аралаштирилади. Жумладан, *оғзининг таноби қочмоқ* иборасининг *оғзининг боғичи қочмоқ* варианты мавжудлиги, бу вариант изоҳли лугатда айнан ҳаволаси билан кўрсатилгани, қатор лугатларда эса бу ўз аксини топмагани баён қилинади. Лугатларда фразеологик синонимлар ҳам, вариантлар ҳам ўз аксини топиши зарурлиги таъкидланади.³

Ш.Раҳматуллаев идеографик семалари тенг, бир ёки бир неча жиҳати ўзаро фарқли фраземалар (фразосемемалар) фразеологик синонимлар (фразосинонимлар) дейилишини қайд этади. Масалан, *оғзига талқон сол-, мум тишла-* фраземалари айнан бир лугавий маъ-нони “мутлақ гапирма-” “суҳбатда мутлақо қатнашма-” маъносини англатишини баён қилади. Олимнинг таъкидлашича, фразеологик синонимлар уч хил дифференциал белги асосида фарқланади ва уч жиҳатдан баҳоланади: а) лугавий маъноси жиҳатидан; б) баҳо семаси жиҳатидан; в) нутқий хосланиш жиҳатидан.

Биринчи жиҳатига кўра, умумий мундарижага эга бўлган синонимлар ажратилади. Олимнинг кўрсатишича, фразосинонимлар, кўпинча, маъно синонимлари (идеографик синонимлар) бўлади: *бурнини кўтар – бурни кўтарилди; димоғи шишиди* фраземалари учун умумий мундарижа “кибрлан, гердай” бўлса-да, бу умумий маънонинг гавдаланиши турлича. *Бурнини кўтар-, бурни кўтарилди* фраземасига нисбатан маъно кучлироқ. Ш.Раҳматуллаев фразосинонимларда баҳо семаси, одатда, бўртиб туришини, асли, фраземалар худди шу мақсад билан, воқеликни номлашда уни ўткир баҳолаб бериш учун, ижобий ёки салбий муносабатни яққол ифодалаш учун яратилишини таъкидлаб ўтади. Шунинг учун ҳам бу муаммо ўзбек тилшунослигида Абдимурод Маматов томонидан махсус монографик тадқиқ объекти бўлди.⁴

Абдугафур Маматов ўз тадқиқотида юқоридаги муаммолар хусусида сўз юритар экан, парафраза йўли билан шаклланган фразеологизмларга алоҳида тўхталиб ўтади ва “парафраза йўли билан: хотин – *умр йўлдоши, жуфти ҳалоли*; уйланмоқ – *уйли бўлмоқ, бошини иккита қилмоқ, турмуш қурмоқ, хотин олмоқ*; тугмоқ – *фарзанд кўрмоқ, кўзи ёри-*

¹ Вафоева М.Й. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. Филол. фанл. номз....дисс. автореф., Тошкент, 2009.

² Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фанл. докт... дисс. автореф., Тошкент, 1993, 20-бет.

³ Шу манба. 21-бет.

⁴ Маматов А. Семантико-стилистические особенности эмоционально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук, Ташкент, 1988.

моқ, болали бўлмоқ каби эвфемистик; ўлмоқ – ёстиги қуриди, жони узилди, жони чиқди, куни битди каби дисфемистик фразеологизмлар шаклланади” деб таъкидлайди.¹

Ш.Раҳматуллаевнинг қайд этишича, фразосинонимлар нутқий хосланиш жиҳатидан ранг-баранг эмас, асосан, сўзлашув нутқига, қисман бошқа нутқ кўринишларига хосланган. Масалан, *қўзини юм-, дунёдан ўт-* фраземалари адабий нутққа (кўтаринки нутққа), шуларнинг синоними *жон бер-* фраземаси эса сўзлашув нутқига хосланган.²

Фразосинонимлар ҳақида фикр юритилганда, табиийки, маъно градацияси хусусида баҳс юритишга тўғри келади, чунки синонимлар қаторида ўзаро синонимик муносабатда бўлган узвлар ўртасида кўп ҳолларда маъно даражаланиши мавжуд бўлади. Бу эса синонимик қатордаги аъзолар ўзаро синонимик муносабатда бўлиши билан биргаликда, градуонимик муносабатга ҳам киришишини такозо этади.

Синонимик муносабат синонимик аъзоларнинг бир интеграл сема асосида бирлашишини кўрсатса, градуонимик муносабат бир интеграл сема остидаги синонимик аъзоларнинг фарқли белгиларини ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, *боши эгилди, юзи шувут бўлди, боши ҳам бўлди* фразосинонимлари қаторидаги биринчи аъзо белгининг кучсизлигини, иккинчиси эса унга нисбатан кучли белгини ифода этади.

Фразосинонимлардаги ана шу хусусиятни эътиборга олган ҳолда, профессор Ш. Раҳматуллаев ва Б.Ўлдошевлар бу муносабатни ёритишга диққатни тортади. Жумладан, Ш.Раҳматуллаев, юқорида баён қилинганидек, фразосинонимик қатордаги айрим аъзолар маънонинг кучайиш даражасига кўра фарқланишини кўрсатади.

Кўринадики, фразеологик синонимлар умумий мундарижаси билан бирлашиб турса ҳам, лекин семик структураси нуктаи назаридан тўлиқ бир-бирига мос келмайди. Улар ёки маъно даражаси билан, ёки баҳо семасининг мавжуд эмаслиги билан, ёки маълум услубга хосланиши билан, ёки ҳудудий чегараланиши билан бир-биридан фарқ қилади. Фразеологик омонимлар ва кўп маъноли фразеологик бирликларни моделлаштириш мумкин бўлганидек, фразосинонимларни ҳам моделлаштириш имконияти мавжуд. Шу кунга қадар фразеологик синонимияни моделлаштириш ўзбек тилшунослиги, умуман, туркийшуносликда муаммо сифатида қўйилмади.

Бизнингча, фразеологик синонимияни моделлаштиришда ҳам изоморфизм қонуниятига амал қилиш, фонологик сатх бирликларини моделлаштиришга қўйилган тамойилларни фразеологик синонимларга ҳам татбиқ этиш фразосинонимларни моделлаштиришда қулай имконият яратади. Фонемаларни моделлаштиришда фонемаларнинг дифференциал белгилари муҳим аҳамиятга эга бўлса ва шу белгилар муайян фонеманинг фонологик системадаги ўрнини белгилашда хизмат қилса, фразеологик синонимияда ҳам фразеологизмларнинг семантик-дифференциал белгилари уларни моделлаштириш учун хизмат қилади ва бу белги фразосинонимларнинг фразеологик системадаги ўрнини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлади. Агар фразосинонимлар қаторини ўзаро дифференциал хусусиятлар асосида ҳарфий ифодалар билан белгиласак, у вақтда фразосинонимларнинг фарқли белгилари асосидаги қуйидаги моделларини кўрсатиш мумкин бўлади: 1) FSB; 2) FSD; 3) FSU; 4) FSH .

Мазкур моделларнинг биринчиси фразосинонимлар қаторидаги аъзолар ўртасидаги **баҳо** семаси билан фарқланишни, иккинчиси **маъно** даражаси бўйича фарқланишни (дифференциал), учинчиси **услубий** фарқланишни, тўртинчиси эса **диалектал** (худудий) фарқланишни ифода этади.

¹ Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фанл. докт.....дисс. автореф., Тошкент, 2000, 40-бет.

² Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Иккинчи китоб. Тошкент, “Mumtoz so‘z”, 2010, 184-бет.

MUALLIFLARGA ESLATMA

1. Maqola **Times New Roman** shriftida yozilishi lozim. Shrift hajmi – 14, qator oralig‘i – 1,5, hoshiya chapda 3 sm., yuqori va pastda 2,5 sm., o‘ngda 1,5 sm. bo‘lishi kerak.
2. Har bir maqolada o‘zbek, rus va ingliz tillarida annotatsiya, kalit so‘zlar bo‘lishi shart.
3. Maqola muallif imzosi bilan bir nusxada hamda elektron variantda topshirilishi lozim.
4. Maqola tahrir hay‘ati a‘zosi tavsiyasi (taqrizi) va ekspertlar xulosasi bilan qabul qilinadi. Taqriz hamda ekspert xulosasi elektron shaklda ham qabul qilinadi. Bunda taqriz va ekspert xulosasi faqat kompyuterda rangli skaner qilingan bo‘lishi kerak.
5. Har bir maqolada muammoning qo‘yilishi, materialning nazariy-metodologik va uslubiy jihatdan puxtaligi, manbalarning ishonchligi, muammo, xulosa, taklif va tavsiyalarining asoslilikiga e‘tibor berilishi kerak.
6. Maqolada foydalanilgan asosiy adabiyotlar ro‘yxati keltirilishi lozim.
7. Maqolalar hajmi kamida 0,25 bosma tabaqdan (40000 belgi, probellar bilan) iborat bo‘lishi kerak.
8. Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar mualliflarga qaytarilmaydi.
9. Tahririyat maqolani qisqartirish va tahrir qilish huquqiga ega.
10. Muallifning ism-familiyasi, ilmiy unvoni va ilmiy darajasi, lavozimi, telefoni, to‘liq manzili ilova qilinishi lozim.
11. Mualliflar jurnalda e‘lon qilinadigan maqolalari uchun Urganch davlat universiteti-ning rivojlantirish jamg‘armasining quyidagi **hisob raqamiga** pul o‘tkazishlari mumkin.

Urganch davlat universiteti

Manzili: H. Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Tel: (0362) 224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz

Sh/hr: 4001 1086 0334 0179 5010 0079 001

INN: 201651846 OKONX: 92110

Moliya vazirligi g‘aznachiligi

h/r: 2340 2000 3001 0000 1010

Bank: Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi XKKM

INN: 201122919 MFO: 00014

To‘lov maqsadi – “Ilm sarchashmalari” jurnaliga maqola uchun

HURMATLI JURNALXONLAR!

“Ilm sarchashmalari” jurnaliga 2019-yil uchun obuna davom etmoqda.

Siz “O‘zbekiston pochta” ochiq aksiyadorlik jamiyatining viloyat filiallari, “Matbuot tarqatuvchi” sho‘ba korxonasi, bundan tashqari, “Ilm sarchashmalari” jurnali tahririyati orqali jurnalimizga obuna bo‘lishingiz mumkin.

Jurnal har oyda bir marta nashr qilinadi. Jurnalning nashr indeksi **1072**.

Agar ko‘rsatilgan hisob raqamiga jurnal obunasi uchun pul o‘tkazsangiz:

● jurnalning bir yillik obuna bahosi –240 000 so‘m;

● 6 oyga – 120 000 so‘m;

● 3 oyga – 60 000 so‘m.

Bunda tahririyat obunachilarga jurnalning har sonini shu belgilangan narxda yetkazib berishni o‘z zimmasiga oladi.

Obuna bo‘yicha murojaat uchun telefonlar: **+998919154555, +99899-348-13-35;**

(0362) 224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz , ilmsarchashmalari@mail.ru

Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>

MUNDARIJA

17-DEKABR – MUHAMMAD RIZO OGAHİY TAVALLUD TOPGAN KUN

С.Рўзимбоев, С.Курбанова. Огаҳий шеъриятида маънавий масалалари.....	3
Д.Ғайипов. Огаҳий туюқларининг мавзу ва гоҳий йўналиши ҳақида.....	5

CHINGIZ AYTMAT TAVALLUDINING 90 YILLIGIGA

N.Madroximova. Chingiz Aytmatov romanlarida global muammolarning badiiy talqini.....	9
---	---

МАТЕМАТИКА

Р.Мадрахимов О.Омонов. Плюригармоничность m-гармонических функций.....	12
---	----

ТИББИЙОТ

Қ.Шуқурлаев, Н.Бекова, Ж.Юлдашев. Тиомочевина ҳосилаларининг яллиглинишга қарши фаоллигини ўрганиш.....	15
--	----

FALSAFA

М.Айтбоев. Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқ қабулхоналарининг ўрни ва роли.....	20
L.Jo‘rayev, F.Nabiyev Harakatlar strategiyasi – fuqarolik jamiyatini takomillashtirishda muhim omil.....	26
Ш.Кимсанбаева. Ёшларни ислом маърифати руҳида тарбиялаш – давр талаби.....	30
Р.Халилов. Бунёдкорлик – миллий эстетик қадрият сифатида.....	33

TILSHUNOSLIK

Ш.Искандарова. Мазмуний структура ва сўзловчи шахс масалалари.....	37
Ш.Ганиева. Ўзбек тилшунослигида фразеологик синонимия ва градуонимия масаласи.....	40
Н.Отакулов. Мезуратив фразеологик бирликларда антонимия ходисаси.....	43
Ф.Хасанова. Тилшуносликда нутқий жанр моделининг лингвистик хусусиятлари.....	47

ADABIYOTSHUNOSLIK

О.Қаюмов. Мифологик тасаввурлар, ўзга олам ва руҳлар талқинига доир.....	51
Б.Мирзаева. Ҳоди Зарифов ва ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши.....	54
Н.Сабинова. Хоразм халқ кўшиқларида осмон ёриткичларига алоқадор рамзлар.....	57

PEDAGOGIKA

S.Matkarimova, Z.Asqarova. Ogahiy asarlarini o‘qitishda axborot texnologiyalari va ko‘rgazmali qurollardan foydalanish.....	62
Г.Эшчанова. Бошлангич синфларда мақол ва масал жанрларини қиёсий ўргатиш усуллари.....	66
G.Saparbayeva, Y.Egambergenova. Ingliz tilidagi iboralarning lingvistik va uslubiy jihatlari.....	70
D.Artikova, M.Rakhimova, G.Qurbanbayeva. Teaching Foreign Language to Pre-School Children.....	73
T.Kosimova. The Importance of Motivation in Education.....	76

ILMIY AXBOROT

Х.Махсудова. Ingliz tili variantlari o‘rtasidagi asosiy tafovutlar: Britaniya va Amerika variantlari.....	79
Б.Абдуллаев. Реклама матнининг ўзбек тили лексикографиясидаги ўрни ва неологизмларнинг таржима муаммолари.....	82
М.Галиева. Принципы категоризации религиозно маркированных концептов.....	86
N.Masharipova. The Role of Language Functions within the Process of Translating.....	89
Ф.Акрамова. Семантические отношения внутри терминологического поля медицины.....	91
У.Иломова, К.Жумабойева. Pensiya sohasidagi yangiliklar.....	94

“ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**
Oybek Qalandarov
Ushbu songa mas’ul **Maqsuda Hajiyeva**

Terishga berildi: 20.12.2018
Bosishga ruxsat etildi: 31.12.2018.
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturası.
Adadi 150. Buyurtma №. 95
Hisob-nashriyot tabag‘i 8,5
Shartli bosma tabag‘i 7,9
UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.
Telefon/faks: (0362)-224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz
ilmsarchashmalari@mail.ru
Veb-sayt: www.ilmsarchashmalari.uz
Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>

INDEKS 1072

ISSN 2010-6246



9 772010 624002